

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING

Қ А Р О Р И

Қарши шахри

2023 йил 23 май

Қашқадарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида раислик қилувчи М.Астанов, ҳайъат аъзолари судьялар Д.Рахимов ва Ҳ.Турсуновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Холмуродовнинг котиблигида жавобгар “NATALIYA AMANOVNA” хусусий корхонасининг 2023 йил 7 мартдаги ҳал қилув қарорига нисбатан келтирган апелляция шикоятни бўйича ишни жавобгар раҳбари Д.Астаноқулова (шахсий маълумотнома асосида), вакили А.Тўрақулов (адвокатлик ордери асосида), даъвогар Қашқадарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси вакиллари М.Қаюмов, Ғ.Эшнӣёзов (ишончнома асосида)лар иштирокида суд биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

даъвогар Қашқадарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “NATALIYA AMANOVNA” хусусий корхонасидан 1 030 000 сўм компенсация тўлови ва 355 350 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 7 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 1 030 000 сўм компенсация тўлови, 53 303 сўм пеня ундирилган.

Ҳал қилув қароридан норози бўлиб жавобгар “NATALIYA AMANOVNA” хусусий корхонаси томонидан берилган апелляция шикоятда ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги қарор қабул қилиш сўралган.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар раҳбари ва вакили апелляция шикоятда келтирилган вазларни қўллаб-қувватлаб, биринчи инстанция суди томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмасдан даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида асосиз хулосага келинганлигини, ҳисоботлар нотўғри юритилганлигини, олдинги йилларда бундай тўловларни амалга оширмаганлигини, тақдим этилган ҳисоботларда фуқаронинг номи кўрсатилганлигини, фаолият юритаётган жойдаги бино-иншоотлар бошқа шахсга тегишли эканлигини, табиатга ифлослантирувчи моддалар ёки чиқиндилар чиқармаслигини баён қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантиришни ва даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўради.



Даъвогар вакиллари апелляция шикоятда келтирилган важларга нисбатан қарши эътирозлар билдириб, биринчи инстанция суди томонидан даъво талабини қаноатлантириш ҳақида асосли хулосага келинганлигини, Низом талаби бўйича жавобгар компенсация тўловчи субъект эканлигини баён қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни сўради.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни апелляция шикоятда келтирилган важлар билан бирга ўрганиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция шикоятини қаноатлантиришни ҳамда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш бўйича янги қарор қабул қилишни лозим топди.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамаси давомида аниқланган ҳолатларга кўра, жавобгар “NATALIYA AMANOVNA” хусусий корхонасининг “Экофонд” тизими электрон дастурида 2020 йил учун шакллантирилган йиллик компенсация тўловлари ҳисоботида чиқиндиларни жойлаштириш натижасида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги учун 490 000 сўм компенсация тўлови ҳисобланганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, корхонанинг 2021 йил учун компенсация тўловлари ҳисоботида кўра чиқиндиларни жойлаштириш натижасида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги учун 540 000 сўм ҳамда 2020 йил 490 000 сўм қарздорлик билан бирга жами 1 030 000 сўм компенсация тўлови ҳисобланганлиги қайд этилган.

Ушбу ҳисоботда жавобгар фаолият тури бўйича атроф муҳитга 4-тоифа даражада таъсир кўрсатувчи субъект эканлиги кўрсатилган.

Шу сабабли даъвогар жавобгарга нисбатан компенсация тўлови ва унга ҳисобланган пеняни ундириш тўғрисида судга даъво ариза билан мурожаат қилган.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ҳуқуқий баҳо бериб, биринчи инстанция суди томонидан даъво талабига асос бўлган далилларнинг мақбуллиги ва ишончилиги текширилмасдан, иш учун муҳим бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмасдан даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида барвақт хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Чунки, даъво аризасига илова қилинган жавобгар “NATALIYA AMANOVNA” хусусий корхонасининг “Экофонд” тизими электрон дастурида корхона раҳбари сифатида фуқаро М.Астанақулов кўрсатилган.

Даъвогар вакили ва бошқа шахслар иштирокида 2023 йил 24 февралда тузилган далолатномада “Нишон тумани “Улуғбек” МФЙда фаолият юритиб келаётган “NATALIYA AMANOVNA” хусусий фирмасига қарашли умумий овқатланиш биноси мавжуд эканлиги, ҳозирги вақтда чойхона фаолияти билан “Қурбонали ота чойхонаси” номида ишлаб келаётганлиги” қайд этилган.

Бундан ташқари, даъвогар вакиллари томонидан жавобгарнинг компенсация тўловчи субъект эканлигини тасдиғи сифатида тақдим этилган ва жавобгар номига 2022 йил 15 февралда берилган давлат экологик



экспертизаси хулосасида қурилиши режалаштирилаётган объект 4-тоифага мансуб эканлиги, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти экологик талабларга жавоб бериши, ер майдонида фаолиятни ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Ҳолбуки, даъво аризасида жавобгарга нисбатан 2020-2021 йиллар учун ҳисобланган компенсация тўловини ундириш сўралган.

Суд муҳокамаси даъвогар вакиллари томонидан қандай асосларда жавобгарнинг ифлослантирувчи моддалар ташмаларини атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова сувларни оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи 4-тоифали компенсация тўловчи субъект эканлиги ишончли ва мақбул далиллар билан исботлаб берилмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги 202-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринда – Низом деб юритилади)нинг 3-бандида ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш (ташламалар) оқова сувларни оқизиш (оқовалар)нинг норматив ва нормативдан ортиқча, авария ҳолатидаги ташламалар ва оқовалар ҳамда бирваракайига ташламалар, шунингдек лимит бўйича ва лимитдан ташқари жойлаштирилган чиқиндилар массаси атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари объекти ҳисобланиши қайд этилган.

Низомнинг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддалар ташламаларини атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова сувларни оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар, юридик шахслар, шунингдек юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча олувчи жисмоний шахслар компенсация тўловчи субъектлар ҳисобланиши белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу Низомнинг 9-бандида компенсация тўлови суммасини ҳисоблаш учун атроф табиий муҳитга чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ташланмалари массасига доир аниқ маълумотлар, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни турларига кўра жойлаштиришнинг ҳисобини юритиш бўйича дастлабки маълумотлар, компенсация тўловчи субъектлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган шаклларга мувофиқ ҳар йили тақдим этиладиган давлат статистик ҳисоботлари асосидаги аниқ маълумотлар ҳамда ифлослантирувчи манбаларда ускуна-жиҳозлар воситасида бажарилган экологик назорат, атроф-муҳит мониторинги натижалари маълумотлари қўлланилиши назарда тутилган.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 23-бандида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органи масъул шахси электрон шаклда тақдим қилинган компенсация тўловларининг ҳисоб-китоби тўғрилигини



текшириши, бу ҳолда икки кун ичида мавжуд ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилган текширишда ҳисоб-китоб тўғри деб топилган тақдирда масъул шахснинг электрон рақамли имзоси билан компенсация тўловини амал ошириш учун компенсация тўловчи субъектга қайтарилиши, компенсация тўловлари ҳисоб-китобларининг нотўғрилиги аниқланган ҳолатларда масъул шахс электрон рақамли имзоси билан уларни компенсация тўловчи субъектга асосли камчиликларни кўрсатган ҳолда такроран кўриб чиқиш қайтарилиши кўрсатилган.

ИПКнинг 66-моддасига кўра иш бўйича далиллар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

ИПКнинг 68-моддасига асосан ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши шарт.

Ушбу кодекснинг 74-моддасига мувофиқ суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи-назаридан, далилларнинг йиғиндиси эса етарлилиги нуқтаи-назаридан баҳоланиши лозим. Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб тан олинади.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

ИПКнинг 278-моддаси биринчи қисми биринчи бандига кўра, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

ИПК 279-моддасининг биринчи қисмига кўра ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асоси кўрсатилган.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддаси 8-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – атроф-муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг тартиб ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод этилган.

Шунингдек, мазкур Қонунга мувофиқ иқтисодий судларга апелляция ва кассация тартибида берилган шикоятлардан биринчи инстанция судида



кўриб чиқиш учун аризалар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши лозимлиги қайд этилган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати апелляция шикоятини тўлиқ қаноатлантириб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни ҳамда иш бўйича янги қарор қабул қилишни, даъво аризани қаноатлантиришни рад этиб, олдиндан тўланган почта харажати даъвогар зиммасида қолдиришни, даъвогарнинг давлат божи тўловидан озод этилганлигини инобатга олиб, апелляция инстанцияси учун тўлаб чиқилган суд харажатларини жавобгар фойдасига ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги 202-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3, 5, 9, 23-бандларини ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 68, 74, 118, 278-280-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и:

Жавобгар “NATALIYA AMANOVNA” хусусий корхонасининг апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Қарши туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 7 мартдаги ҳал қилув қарори бекор қилинсин.

Иш бўйича янги қарор қабул қилинсин.

Даъвогар Қашқадарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг жавобгар “NATALIYA AMANOVNA” хусусий корхонасидан 1 030 000 сўм компенсация тўлови, 355 350 сўм пеня ундириш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Даъвогар Қашқадарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг давлат божи тўловидан озод этилганлиги инобатга олиниб, олдиндан тўланган почта харажати зиммасида қолдирилсин.

Даъвогар Қашқадарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасидан жавобгар “NATALIYA AMANOVNA” хусусий корхонаси фойдасига 150 000 сўм давлат божи, 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Қарор қабул қилинган пайдан бошлаб қонуний кучга киради

Мазкур қарордан норози томон Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят (протест келтириши) бериши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Астанов

ҳайъат аъзолари

Д.Рахимов

Ҳ.Турсунов

